

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCISA
кафедраси мудири, тарих фанлари
доктори, доцент.
nematulloh@mail.ru

АБУ САЎИД ҲАЙСАМ ИБН КУЛАЙБ ШОШИЙ ВА УНИНГ “МУСНАД” АСАРИ

АБУ САЎИД ҲАЙСАМ ИБН КУЛАЙБ ШАШИ И ЕГО ПРОИЗВЕДЕНИЕ “МУСНАД”

ABU SAID HAYSAM IBN KULAYB SHASHI AND HIS WORK “MUSNAD”

Аннотация: Шош (Тошкент) воҳасида ўрта асрларда ислом илмлари ва маданияти бўйича фаолият юритган 100 дан ортиқ олимлар номлари аниқланган. Ушбу мақолада “Имом Шоший” даражасига эришган, ишончли муҳаддис Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Бинкасий Шоший (ваф. 947) фаолияти ва унинг “Муснад” асари қўлёзмаси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Шош, Бинкас, Шоший, Бинкасий, Имом Шоший, ҳадис, муҳаддис, қўлёзма, “Муснад”.

Аннотация: В средние века в оазисе Шаша (Ташкент) жили и занимались наукой свыше 100 учёных в области исламских наук. В статье идёт речь о деятельности праведного муҳаддиса Абу Саъида Ҳайсама ибн Кулайба Бинкаси Шаша (ум. 947) прославившийся как «Имам Шаша». А также, исследована его рукопись произведения «Муснад».

Ключевые слова: Шаш, Бинкас, Шаша, Бинкаси, Имом Шаша, ҳадис, муҳаддис (комментатор ҳадисов), рукопись, “Муснад”.

Abstract: In the Middle Ages in Shash oasis lived and engaged in science more than 100 scientists in the field of Islamic sciences. The article deals with the activities of the righteous muhaddith Abu Said Haysam ibn Qulayb Binkasi Shashi which became famous as “Imam Shashi” and studied the manuscript work “Musnad”.

Key words: Shash, Binkas, Shashiy, Binkasiy, Imam Shashiy; hadith; muhaddith (commentator of hadith), manuscript, «Musnad».

Имом Шоший номи билан танилган юртдошимиз Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ҳадис илмига ҳисса қўшган

олимлардан ҳисобланади. Унинг номи жуда кўп араб манбаларида ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилади.

Унинг тўлиқ исми - Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж [10: 276; 2: 479; 18: 359; 11] (баъзи манбаларда Шурайх [2: 120, 827]) ибн Маъкил аш-Шоший ал-Бинкасий [3: 58] ат-Туркий ал-Маъкилий [4: 12, 359] ал-Адиб [5: 11-12] бўлиб, туғилган йили манбаларда берилмаган. Аммо муҳаддиснинг вафот этган йили ҳижрий 335/947 деб аниқ кўрсатилган [1: 276; 8: 11; 12: 58].

Маълумки, ҳижрий учинчи (милодий IX) асрда Мовароуннахр ва Хуросонда ҳадис илми ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилган. Ушбу давр барча манбаларда ҳадис илмининг олтин даври сифатида эътироф этилади.

Ҳайсам ибн Кулайб Шоший айнан мана шу олтин даврда фаолият курсатди. Манбаларда келтирилишича, Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарканд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда бўлиб, таниқли муҳаддислардан сабоқ олган. У ўз илмини янада бойитиш мақсадида хорижий юртларга ҳам сафар қилган. Жумладан, Балх шаҳрида Закариё ибн Яҳё ибн Асад ал-Марвазий, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний [6: 317, 479, 827], Бағдодда Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Яҳё ибн Жаъфар аз-Забарқон [2: 479; 14: 634; 18: 359] ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганган.

Машҳур араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг таъкидлашича, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший Исо ибн ал-Асқалоний, буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий [5: 312; 2: 479; 15: 827, 4: 487], Закариё ибн ал-Марвазий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн ал-Мунодий, Ҳамдон ибн Али ал-Варроқ, Аҳмад ибн Мулоъиб, Муҳаммад ибн Исо ал-Мадоъиний, Абу ал-Бухтарий, ибн Шокир, Али ибн Саҳл, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Қассор, Яҳё Абу Толиб, Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Соганий ва бошқалардан ҳадис эшитган ҳамда ўрганган [18: 359].

Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг илм бобида етукликка етишишига оиладаги маърифат ўчоғи муҳим аҳамият касб этди. Маълумки, муҳаддис яшаб ўтган аср ҳадис илми шаклланишидаги олтин давр бўлиши билан бир қаторда, Абу Ҳотам ар-Розий, Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Солих Жазра, Абу Яъло ал-Мавсалий, Ибн ал-Жаруд каби йирик муҳаддислар Муҳаммад пайғамбаримизнинг

ҳадиси шарифларини тўплаб ва уни муҳофаза қилишда ўзларининг кучларини аямадилар.

Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший яшаган даврда Самарқанд, Бухоро ва Термиз илм-маърифат ўчоғи сифатида юксак даражадаги илмий муҳити ҳамда олимлари билан донғи кетган эди. Имом аш-Шоший илм олишни илк болалик чоғлариданоқ бошлаган. Бирор нарсани истифода этиш ниятида у киши олимларнинг турли мавзудаги илмий мажлисларида қатнашарди. Шунингдек, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалонийдан ҳадис илмини урганиб, кун сайин уни бойитиб борар эди. Ал-Асқалоний Имом ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший вафотидан 67 йил олдин, яъни 268 йили вафот этади. Кулайб аш-Шоший ҳадис илми билан шуғулланишда давом этди [8: 13].

Кўриниб турибдики, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва бошқа кўплаб муҳаддислардан ҳам сабоқ олган. Тарих фанлари доктори У.Уватов ёзганидек, “имом аш-Шошийнинг устозлари жуда кўп бўлиб, элликдан ортиқ машҳур олиму машойихлардан ҳадис ўргангани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Унинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, маккалик Абулҳасан ал-Бағовийларни кўрсатиш мумкин” [16: 48]. Шу ўринда, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший устозларидан энг машҳурларини санаб ўтишни лозим деб топдик:

1. Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Қасор ал-Абасий ал-Куфий (ваф. 279/893).
2. Аҳмад ибн Хозим ибн Абу Фараза Абу Амр ал-Куфий (ваф. 276/890).
3. Аҳмад ибн Зухайр Абу Ҳайсама ибн Ҳарб Абу Бакр ан-Насоий ал-Бағдодий (ваф. 279/893).
4. Аҳмад ибн Али ибн ал-Фазл Абу Жаъфар ал-Хаззо ал-Мукри (ваф. 286/899).
5. Аҳмад ибн Мулоиб ибн Хайон Абу ал-Фазл ал-Бағдодий (ваф. 275/889).
6. Ал-Хорис ибн Муҳаммад ибн Абу Асома Дохир Абу Муҳаммад ат-Тамимий ал-Бағдодий (ваф. 282/897).
7. Ҳасан ибн Исмоил Абу Яъло Термизий.
8. Ҳасан ибн Али бин Аффон Омирий Абу Муҳаммад Куфий (ваф. 270/884).
9. Ҳамадун ибн Обид Абу Жаъфар Фарғоний. Исми Аҳмад бўлган (ваф. 270/884).
10. Ҳанбал ибн Исхок ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад абу Яъло Шайбо-ний (ваф. 273/887).

11. Закариё ибн Яҳё ибн Асад Марвазий. Ибн Уяйнанинг шогирди бўлиб. Бузургвай номи билан машҳур бўлган (ваф. 270/884).

12. Аббос ибн Муҳаммад ибн Хотим Дурий, Абулфазл Бағдодий (ваф. 270/884).

13. Али ибн Саҳл ибн Мугира Баззо ал-Бағдодий (ваф. 271/885).

14. Али ибн Абдулазиз ибн Мирзабон, Абулҳасан Бағавий (ваф. 286/899).

15. Умар ибн Ҳафс ибн Бистом ибн Амр Бохилий, Абу Ҳафс Самарқандий (ваф. 269/883).

16. Исо ибн Аҳмад ибн Исо ибн Вирдон Асқалоний Балхий (ваф. 268/882).

17. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Сулаймон Хазрабий, Абу Жаъфар Куфий (ваф. 277/891).

18. Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн Язид, Абу Жаъфар Бағдодий ибн Мунодо (ваф. 272/886).

19. Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Михрон, Абу Жаъфар Варрок (ваф. 272/886).

20. Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Абу Исо ат-Термизий (ваф. 279/892).

21. Муҳаммад ибн Юнус ибн Мусо ибн Сулаймон ал-Қадимий, ал-Басрий (ваф. 286/899).

22. Яҳё ибн Абу Толиб Жаъфар ибн аз-Забарқоний (ваф. 275/889) [12: 14-17, 359, 500, 298, 848, 342].

Йирик тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг “Сийар аълом ан-нубало” (“Олижаноб алломалар сийратлари”) асарида “ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший мовароуннаҳрлик таникли ва ишончли муҳаддис, сайёҳ (у жуда кўп шаҳарларни кезган), ҳофиз, адиб бўлган”, деб ёзган [18: 359].

Машҳур библиограф Ёкут ал-Ҳамавийнинг хабар беришича, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший имом, ҳофиз, сайёҳ, муҳаддис ва адиб бўлган. Адаб илмини Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Кутайбадан Бағдодда таҳсил олган [12: 500].

Баъзи манбаларда аш-Шошийнинг адиб деб таърифланишидан у адабиёт-га оид асарлар ҳам яратган булиши керак. Келажакда унинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бу масалага аниқлик киритади деб ўйлаймиз [16: 49].

Муҳаммад ибн Тохир ибн ал-Қайсароний каламига мансуб “Тазкират ал-хуффо” (“Ҳофизлар тазкираси”) асарида шундай ёзган: “аш-Шоший – ал-Ҳофиз ишончли муҳаддис – Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайх ибн Маъкил Маъкилий аш-Шоший

Мовароуннахр муҳаддиси бўлиб, “Мусна- ди кабир” асарининг муаллифидир” [15: 848].

Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ишончли муҳаддис ва унинг “ал-Муснад” (“Муснад ал-Кабир”) асари тўғрисида олимнинг номи зикр этилган аксарият Ўрта аср араб манбаларида эътироф этилган. Жумладан, биз фойдаланган манбаларда Ҳайсам ибн Кулайб Шоший “Имом, ҳофиз, ишончли муҳаддис ва “Муснад ал-Кабир” муаллифи” [5: 317; 18: 359; 12: 500; 4: 504; 2: 173, 396, 403, 425, 479; 8: 5-18] сифатида ёзилган. Машҳур тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг кўп асарларида Ҳайсам ибн Кулайб Шошийни зикр этган. Шунингдек, “Табакот ал-муҳаддисин” (“Муҳаддислар табақалари”) асарида қуйидагича ёзган: “ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ҳофиз бўлиб, “Муснад” асари муаллифи(соҳиби)дир” [20: 111].

Юқоридаги фикрлар Ҳайсам ибн Кулайбни Мовароуннахр муҳаддиси Имом Шоший сифатида бутун дунёга машҳур бўлганини кўрсатади. Ўрта аср араб муаллифлари унинг номини “Имом аш-Шоший” дея эҳтиром билан тилга олиб, уни ҳадис илмининг буюк алломаларидан бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Имом аш-Шоший кўп шогирдлар етиштирган. Улар орасида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаконий, Абулқосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хузоъий, Абу Наср ал-Бухорий ал-Калабозий, Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ас-Самарқандий каби таниқли олимлар борлиги қатор манбаларда қайд этилган [8: 5-15; 19: 466].

Имом аш-Шоший илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, чунки унинг кўп шогирдлари мана шу шаҳарларда яшаганлар [16: 48]. Хусусан, Ҳайсам ибн Кулайб Шошийдан аллома, шофиъия- нинг шайхи Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Басир [19: 466], имом, ҳофиз, сайёҳ, муҳаддис Абу Абдуллоҳ ибн Манда [19: 30], имом, ҳофиз Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Рустам ал-Бухорий ал-Калабозий [19: 94], Абулфазл Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ал-Қоғазий, Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ас-Самарқандийлар [15: 848] ҳадис илмини ўрганишган ва ундан ҳадислар ривоят қилишган.

Шамсуддин аз-Заҳабий Имом аш-Шошийни хижрий 335 (милодий 947) йилда Самарқандда

вафот этган деб хато кўрсатган. Аслида, Имом аш-Шоший умрининг охириги йилларида Бухорода истикомат қилиб, кейин Шошга қайтиб келган ва хижрий 335 (милодий 947) йилда Шошда вафот этганлиги қатор ишончли манбаларда қайд қилинган [2: 479; 6: 246].

“Муснад” асари ҳақида

Имом аш-Шошийнинг “ал-Муснад” (“ал-Муснад ал-Кабир”) номли аса- ри ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашқ шаҳридаги “аз-Зохирия” кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган “Мактабат ал-Асад” номли кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма хижрий 558 (милодий 1163) йилда хаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Мақдисий томонидан насх хатида кўчирилган. Ушбу нусха муаллиф муснадининг бир жузъи бўлиб, Толха ибн Убайдуллоҳ розияллоху анху муснади билан бошланиб (У аслида китобининг еттинчи жузъи ҳисобланади), Абулюср розияллоху анхунинг баъзи муснадлари билан тугайди (Бу китобнинг ўн бешинчи жузъининг охиридир).

Асар насх хатида ёзилган бўлиб, ўқувчига осонлик туғдириши учун асо- сий ишлатиладиган сўзлар катта қилиб билан ёзилган. Ҳар бир ҳадиснинг бошланиш ва тугалланишида алоҳида белги қўйилган. Юқорида Дамашқдаги “аз-Зохирия” кутубхонасида сақланаётган Ҳофиз Зиёуддин Мақдисий [8: 316-саҳифа, 1169-рақам] томонидан кўчирилган нусха Ҳофиз Зиёуддин Мақдисий (569-643 хижрий йиллар) туғилишидан олдин ёзилган. Унинг кўчирилган санаси маълум эмас, лекин 558 хижрий йилдан олдин кўчирилганлиги тасдиқланади. Китоб охирида унинг ёзилган санаси 558 хижрий йилнинг сафар ойи деб келтирилган. Ҳар бир саҳифада 19-30 сатр мавжуд.

Ушбу кимматли асар Дубай шаҳридаги “Марказ ад-даъват ва-л-иршод” аъзоси, йирик ҳадисшунос олим, доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилда Мадинаи Мунавварада нашр этилган [8: 1-жилд; 9: 2-жилд].

Доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ Имом Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг “ал-Муснад” асарини тадқиқ этиш натижасида ушбу ки- тоб айнан Ҳайсам ибн Кулайб Шоший қаламига мансуб эканлигини қуйидагича асослаб берган:

1. Бу китобда мавжуд ҳар бир ҳадиснинг исноди ал-Ҳайсам ибн Кулайбнинг шайх(устоз)

ларидан бошланган, яъни Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Хотам ар-Розий, Исо ибн Аҳмад ал-Балхий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шокир ва бошқалар.

2. Китобдаги ҳадислар иснодида Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийнинг Абулқосим Али ибн Аҳмад ал-Хузоъий, Абулқосим Аҳмад ибн Абу Мансур ал-Халилий каби шогирдларининг исми зикр этилади [8: 7-10]. Шунингдек, доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳнинг таъкидлашича, бу асар асли 15 жилддан иборат бўлиб, биз фойдаланаётган “ал-Муснад” китоби 7-жилддан бошланган. Лекин бешинчи-олтинчи жилдларнинг охириги саҳифалари топишган. Ундаги ҳадисларнинг ҳаммаси халифа Алига тегишли- дир. Асарнинг қолган қисмлари ўқиб бўлмайдиган даражага етиб қолганлиги учун уларни таҳрир қилиш мушкул [8: 29].

Исломи оламида ҳадис илмига доир “Саҳиҳ”, “Муснад” ва бошқа турдаги кўплаб асарлар ёзилган. Уларни ёзишда муаллифлар турли услубларни қўллашган. Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ҳам “Муснад” асарини ёзишда ўзига хос йўлни тутди. Муаллиф ҳадисни тўғри ёки тўқималигига қараб эмас, балки саҳобаларга қараб жойлаштирган. Саҳобалар ҳар бирининг ҳадисини алоҳида-алоҳида қилиб келтирган.

Мазкур китобнинг мавзуси унинг “ал-Муснад” номидан маълум бўлиб, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший уни саҳоба муснадлари бўйича тартиблаган ва ҳар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни жамлаган. “ал-Муснад” китобида ҳадислар қуйидаги услубда берилган:

– аввал тўрт (чоҳорёв) халифанинг муснадлари, кейин жаннат башорати келган ўнта саҳоба ҳамда бошқа саҳобаларнинг ҳадисларини алифбо тартибида келтирилган;

– муаллиф баъзи ҳолларда саҳобанинг қисқача таржимаи ҳолини айтиб ўтади. Баъзида эса унинг фақат исми, кунyasi ва нисбати билан чекланади;

– саҳобаларнинг иснодларини улардан ривоят қилинган тартибга кўра жойлаштирган;

– ҳадисларни ривоят қилишда уларнинг иснодлари, матнлари тўғрисида сўз юритилмаган. Айрим ҳолларда ҳадиснинг исноди, матни ҳақида тўхталиб ўтилган;

– муаллиф ҳадисларни саҳиҳ ёки ҳасанга ажратмай, уларни аралаш ҳолда берган. Барча ҳадисларни аниқ баён этган;

– айрим ҳадисларнинг исноди бир хил бўлса, ҳадис матнини келтириб, “мислаҳу” ёки “наҳваху”, яъни “унга ўхшаш”, “унга тегишли” каби сўзларини келтириш билан чекланган.

Муҳими, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший “Муснади Шоший” асарида ҳадисларни аниқ баён этган. Расулуллоҳ: “Мусулмонни сўкиш фосиклик, ўлдириш эса кофирликдир”, - дедилар. Демак, бирор кишини ҳақорат ва мазах қилиш, айниқса, сўкиш фосиклик аломати экани ушбу ҳадисдан яққол кўриниб турибди[8: 78].

Хулоса қилиб айтганда, Имом Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший каламига мансуб “ал-Муснад” китобида инсонларни одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолатга чорловчи ҳадислар билан бир қаторда кишиларни қотиллик, разолат, фитна-фасод, зулм каби иллатлардан қайтарувчи ҳадислар берилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мақдисий. ал-Аҳодис ал-мухтор. 1-жилд. Маккаи мукаррама, 1988.
2. Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдулгани ал-Бағдодий. ат-Такйид. 1-жилд. Байрут, 1408/1987.
3. Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдулгани ал-Бағдодий. ат-Такйид. 2-жилд. Байрут, 1408/1987.
4. Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдулгани ал-Бағдодий. Такмилат ал-икмол. 1-жилд. Маккаи мукаррама, 1410/1989.
5. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб. 2-жилд. Байрут, 1980.
6. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб. 7-жилд. Байрут, 1980.
7. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб. 8-жилд. Байрут, 1988.
8. Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший. ал-Муснад. 1-жилд. Мадинаи мунаввара, 1990.
9. Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший. Ал-Муснад. 2-жилд. Мадинаи мунаввара, 1990.
10. Абу Фазл Иёз ибн Мусо ибн Иёз ал-Яҳсабий. Ал-Икмол. 4-жилд. Байрут, 1998.
11. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. Муъжам ат-Табароний ал-кабир. 1-жилд.
12. Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. Ж.1. Байрут, 1980.
13. Муҳаммад ибн Тоҳир ибн ал-Қайсароний. Тазкират ал-хуффо. 1-жилд. ар-Риёд, 1415/1994.
14. Муҳаммад ибн Тоҳир ибн ал-Қайсароний. Тазкират ал-хуффо. 2-жилд. ар-Риёд, 1415/1994.
15. Муҳаммад ибн Тоҳир ибн ал-Қайсароний. Тазкират ал-хуффо. 1-жилд. ар-Риёд, 1415/1994.
16. Уватов У. Имом аш-Шоший ҳаёти ва ижодига оид баъзи маълумотлар // Тарихий манбашунослик муаммолари. Тошкент, 2003.
17. Хожа Халифа. Кашф аз-зунун. 1-жилд. Макка, 1981.
18. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. 15-жилд. Байрут, 1413/1992.
19. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. 16-жилд. Байрут, 1413/1992.
20. Шамсуддин аз-Заҳабий. Табақот ал-муҳаддисин. 1-жилд. Умон, 1404/1983.
21. Шамсуддин аз-Заҳабий. Табақот ал-муҳаддисин. 2-жилд. Умон, 1404/1983.
22. SD-disk: Ал-Мактабат алфия ли суннати набавия. Уммон, 2002.